

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

САДЫКОВА ХАНИФА ЗАКИРОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА «ОНА-
ҲОМИЛА» ТИЗИМИНИ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Садыкова Ханифа Закировна

Преэклампсия билан касалланган аёлларда «она-ҳомила» тизимини клиник-иммунологик баҳолаш.....3

Садыкова Ханифа Закировна

Клинико-иммунологическая оценка системы «мать-плод» у женщин с преэклампсией23

Sadikova Khanifa Zakirovna

Clinical and immunological evaluation of the “mother-fetus” system in women with preeclampsia.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ50
List of published works50

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

САДЫКОВА ХАНИФА ЗАКИРОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА «ОНА-
ҲОМИЛА» ТИЗИМИНИ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацион комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4817 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тибббийёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбарлар:

Ешимбетова Гулсара Закировна
тиббийёт фанлари доктори, профессор

Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамдамова Мухайё Тўхтасиновна
тиббийёт фанлари доктори, профессор

Синберсев Андрей Семенович
тиббийёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббийёт университети

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббийёт институти ҳузуридаги DSc 06/2025.27.12.Tib.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел. (0365) 223-5000, (+99895) 911-0050).

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббийёт институтида Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Веб-сайт: www.bsmi.uz. E mail: buxme.1990@mail.ru/info@bsmi.uz. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел. (0365) 223-5000, (+99895) 911-0050).

Диссертация автореферати 2026-йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026-йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббийёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббийёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббийёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда преэклампсия ҳомиладорликнинг энг кўп учрайдиган асоратларидан бири сифатида тиббиёт амалиёти ва перинатал хавфлар орасида энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Мутахассислар маълумотларига кўра, «...преэклампсия кўп тизимли касаллик бўлиб, она ва ҳомила саломатлигига жиддий таҳдид солади»¹. Патология тарқалиши турли минтакаларда 5% дан 30% гача ўзгариб туради. Одатда, иккинчи триместрдан бошланиб, артериал гипертензия, протеинурия, шишлар ва полиорган етишмовчилиги билан кечадиган ушбу ҳолат кўпинча плацентар етишмовчилик, гипоксия ва ҳомила ривожланишининг кечикишига сабаб бўлади, бу эса, ўз навбатида перинатал касаллик ва ўлим кўрсаткичларини сезиларли даражада оширади.

Жаҳон миқёсида преэклампсия ривожланишига турли ижтимоий-иқтисодий ва биологик омиллар, жумладан шаҳарлашув, экологик шароитнинг ёмонлашиши ва турмуш даражасининг пасайиши таъсир кўрсатиши мумкин. Патогенезида муҳим қисм ҳисобланган эндотелий дисфункцияси иммун тизимнинг регулятор механизмларидаги издан чиқишлар билан узвий боғлиқ бўлиб, яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар мувозанатининг бузилиши орқали намоён бўлади. Плацентадаги морфологик ва биохимик ўзгаришлар, хусусан, коллаген тўпланиши ва ферментатив фаолиятнинг сусайиши плацентар етишмовчиликка олиб келиб, ҳомила ривожланишининг кечикиши, гипоксия ва перинатал асоратлар хавфини кескин оширади.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари ўртасида репродуктив бузилишларни эрта аниқлаш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва тиклаш, шунингдек, ҳомиладорлик асоратларини олдини олиш ва даволаш бўйича кенг қўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом репродуктив муҳит яратиш, айниқса, преэклампсия билан касалланган аёлларда иммун тизим фаолиятини, цитокинлар мувозанатини ва нейрогормонал бошқарувни ҳар томонлама ўрганиш, клиник-иммунологик ташхис ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ҳамда асоратлар даражасини камайтириш мақсадида узоқ муддатли тадқиқотлар зарурлиги таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/pre-eclampsia>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони

«Бирламчи тиббий санитария муассасалари фаолиятига тамоман янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 19-ноябрдаги 735-сонли «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда преэклампсия ҳомиладорлик даврида оналик ва перинатал ўлим ҳолатларида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқ сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бу касаллик узоқ муддатда 20 ҳафталикдан ўтган ҳомиладорликда юқори қон босими ($\geq 140/90$ мм.сим.ус.) ва протеинурия билан ёки бу белгиларда полиорган етишмовчилиги билан боғлиқ ҳолларда тавсифланади (Kaitlin Sullivan, 2023). Ҳавф омиллар қаторига анамнезда преэклампсия, сурункали артериал гипертензия, гестацион диабет, антифосфолипид синдроми, семизлик, она ёшининг катталиги ва ёндош сурункали репродуктив касалликлар киритилган (Zaher Armaly et al., 2018).

Патогенетик нуқтаи назардан, преэклампсия полиэтиологик асорат бўлиб, асосий рольни плацента тўқималарининг патофизиологияси тутати. Дастлабки босқичда цитотрофобластлар пролиферацияси, миграцияси ва инвазияси етарли даражада ривожланмайди, бу спирал артерияларнинг тўлиқ қайта шаклланмаслигига, плацентар перфузиянинг бузилиши ва оксидатив стрессни олиб келади. Сурункали гипоксия тўқималарда апоптоз ва некроз жараёнларини кучайтиради. Иккинчи босқичда эндотелиал дисфункция юзага келади, ангиоген ва антиангиоген омиллар ўртасидаги мувозанати бузилади, тизимли эндотелиоз ривожланади ва клиник белгилар пайдо бўлади. (Christopher W. Ives et al., 2020).

Сўнгги тадқиқотлар биомаркерлар воситасида преэклампсияни эрта аниқлаш имкониятларига йўналтирилган. Хусусан, VEGF, PlGF ва sFlt 1 каби плацентар ангиоген омиллар жуда фаол ўрганилмоқда. PlGF даражасининг пасайиши ва sFlt 1 экспрессиясининг ошиши билан боғлиқ ангиоген мувозанатнинг бузилиши преэклампсия хавфининг юқорилигини акс эттиради. Мисол учун, Zeisler ва ҳамкорлари томонидан олиб борилган тадқиқотда, sFlt 1/PlGF нисбати 38 ва ундан паст бўлиши ҳозирги ҳафта ичида преэклампсияни рад этишда юқори аниқликка эга экани кўрсатилган. Шу сабабли, ушбу биомаркерлар комплекс баҳолаш тизимларига киритилиши клиник амалиётда преэклампсияни эрта ташхислаш ва прогноз қилиш самарадорлигини сезиларли ошириши мумкин (Saleh L. et al., 2017).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасани ошириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот режаларига мувофик лойихалар доирасида амалга оширилди ва институт илмий кенгаши томонидан 22.10.2021да 1 сон протоколи буйича тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади преэклампсия бўлган аёлларда «она-ҳонила» тизимини клиник-иммунологик баҳолаш иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сирдарё вилоятида яшовчи турли оғирлик даражасидаги ПЭ бўлган аёлларда ҳониладорликнинг частотаси ва хусусиятларини ўрганиш;

турли даражадаги ПЭни бошдан кечирган туғруқруқдаги аёлларда плацентанинг морфологик ўзгаришларини ўрганиш;

турли оғирлик даражасидаги ПЭ бўлган аёлларда яллиғланиш омиллари (яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар) ва ўсиш омиллари (VEGF, PlGF, sFlt-1)нинг қон зардобидидаги даражасини аниқлаш;

клиник-иммунологик тадқиқотлар натижалари асосида ПЭни эрта диагностика қилиш учун мезонларни таклиф қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2021–2024 йиллар давомида Сирдарё вилояти Перинатал маркази клиникасида кузатилган, гестация муддати 28–38 ҳафтани ташкил этган 120 нафар ҳониладор аёллар киритилган, назорат гуруҳига шу муддатда физиологик нормал ҳониладорликка эга 30 нафар аёллар киритилган.

Тадқиқот предмети сифатида цитокин ҳолати, гормонал ва биокимёвий параметрларни баҳолаш мақсадида периферик қон намуналари олинган, иммун тизимининг асосий кўрсаткичларини миқдорини аниқлаш учун эса киндик қони намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

преэклампсия оғирлик даражаси ортиши билан йўлдошнинг морфологик архитекtonикасида кузатилган ворсинкаларда фибриноид некрозлар, васкулопатиялар, инфаркт ўчоқлари каби деструктив ўзгаришлар янги туғилган чақалоқларда перинатал адаптация бузилишлари, гипоксия, кам вазн билан туғилиш ва нейросоматик асоратлар ривожланиш хавфининг ошиши билан корреляцион боғлиқликка эга эканлиги исботланган;

преэклампсия билан асоратланган ҳониладорларда яллиғланиш (IL-1 β , IL-6, IL-8) ва яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар даражалари йўлдошнинг морфологик архитекtonикаси билан қиёсий таҳлил қилиниб, йўлдошнинг нормал, компенсатор-адаптив ва деструктив каби ўзгаришлари преэклампсиянинг оғирлик даражаси, цитокинлар мувозанатининг бузилиши ҳамда клиник кечиши билан боғлиқлиги исботланган;

турли оғирлик даражасида кечувчи преэклампсияда ангиоген омил — sFlt-1 ва проангиоген омил — PlGF ўртасидаги нисбатнинг (sFlt-1/PlGF) ишончли даражада ошиши йўлдошнинг морфологик архитектоникасида деструктив ўзгаришлар шаклланиш хавфини белгиловчи муҳим патогенетик индикатор эканлиги асосланган;

илк бор иммунологик (яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар) ва ангиоген дисбалансни (sFlt-1/PlGF) биргаликда баҳолаш каби интеграл ёндашув преэклампсияда йўлдошнинг деструктив тури шаклланишини клиник белгилар намоён бўлмасдан олдин башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларни комплекс клиник-лаборатор ва иммунологик текширувдан ўтказиш янги туғилган чақалоқлар саломатлиги плацентанинг морфологик тузилиши билан ўзаро боғлиқлигини ва ушбу маълумотларни перинатал натижаларни башорат қилишда қўллашга имкон бериши исботланган;

преэклампсия оғирлик даражасига қараб фарқланувчи хавф омилларини ҳисобга олиш ҳомиладор аёлларни эрта босқичда кузатув гуруҳларига ажратиш ва асоратларни ўз вақтида олдини олишга ёрдам бериши асосланган;

яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1β, IL-6, IL-8, IL-4, IL-10) ҳамда sFlt-1/PlGF нисбати плацентанинг морфологик тури билан бевосита боғлиқлиги, ушбу кўрсаткичларнинг ортиши деструктив тур ривожланиши хавфини ошириши ва башоратлаш мезон сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёллар учун перинатал диагностика ва туғишга тайёргарлик алгоритми ишлаб чиқилган, уни қўллаш туғруқ пайтида ва туғруқдан кейинги даврда асоратлар ривожланиш хавфини камайтираши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, қолаверса, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Сирдарё вилоятида турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларда ўтказилган комплекс клиник-лаборатор ва иммунологик текширувлар натижасида янги туғилган чақалоқлар саломатлиги плацентанинг морфологик тузилишига боғлиқлиги, хавф омилларининг (сурункали артериал гипертензия, сурункали пиелонефрит, биринчи ҳомиладорлик, анамнезда преэклампсия, метаболик бузилишлар, юрак-қон томир касалликлари) аҳамияти, цитокинлар (IL-1β, IL-6, IL-8, IL-4, IL-10) даражаларининг морфологик турлар билан боғлиқлиги ва sFlt-1/PlGF нисбатининг деструктив тур ривожланиши хавфини башорат

қилишдаги ташхислаш-башоратлаш қийматини асослаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларда комплекс клиник-лаборатор ва иммунологик текширув натижалари асосида янги туғилган чақалоқлар саломатлиги плацентанинг морфологик тузилиши билан боғлиқлигини баҳолаш ҳамда ушбу маълумотлардан перинатал натижаларни башорат қилишда фойдаланиш имконияти асослаб берилганлиги, преэклампсия оғирлик даражасига қараб хавф омилларини ҳисобга олиш орқали ҳомиладор аёлларни эрта босқичда кузатув гуруҳларига ажратиш ва асоратларни олдини олишнинг самарадорлиги кўрсатилганлиги, яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IL-8, IL-4, IL-10) ҳамда sFlt-1/PlGF нисбатини мунтазам баҳолаш плацентанинг деструктив тури ривожланиш хавфини башорат қилишда муҳим бошоратлаш мезони эканлиги ва ишлаб чиқилган перинатал ташхислаш ҳамда туғишга тайёргарлик алгоритминини қўллаш туғруқ ҳамда туғруқдан кейинги асоратлар ҳавфини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларда касалликнинг клинко-иммунологик хусусиятларини ўрганиш орқали олинган илмий натижалари асосида:

«Преэклампсия билан касалланган аёлларда акушерлик асоратларини башорат қилишнинг клиник-иммунологик мезонлари» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 6-мартдаги PhD3u-t/010-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар РИОваБСИАТМ Тошкент шаҳар филиалида 2024-йил 10-декабрдаги №140-сонли ва РИОваБСИАТМ Жиззах вилоят филиалида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 7-июлдаги 21/21-сон ҳулосаси).

Биринчи илмий янгилик: преэклампсия оғирлик даражаси ортиши билан йўлдошнинг морфологик архитектоникасида кузатилган ворсинкаларда фибриноид некрозлар, васкулопатиялар, инфаркт ўчоқлари каби деструктив ўзгаришлар янги туғилган чақалоқларда перинатал адаптация бузилишлари, гипоксия, кам вазн билан туғилиш ва нейросоматик асоратлар ривожланиш хавфининг ошиши билан корреляцион боғлиқликка эга эканлиги исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш преэклампсия билан касалланган аёлларда асоратлар ва перинатал йўқотишларни камайтирган, она ва бола саломатлигини яхшилаб, соғлом бола туғилиши кўрсаткичини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларни эрта ташхислаш ҳамда ўз вақтида профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳар бир бемор учун қўшимча равишда 604 000 сўм иқтисод қилиб, бир пайтнинг ўзида ҳомила йўқотиш ҳамда перинатал ўлим хавфини пасайтирган. *Хулоса:* турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларда комплекс клиник-лаборатория ва иммунологик текширувни амалга ошириш

муҳимлиги ҳамда плацентанинг морфологик тузилиши унинг оғирлик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқлиги исботланган.

Иккинчи илмий янгилик: преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда яллиғланиш (IL-1 β , IL-6, IL-8) ва яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар даражалари йўлдошнинг морфологик архитектоникаси билан қиёсий таҳлил қилиниб, йўлдошнинг нормал, компенсатор-адаптив ва деструктив каби ўзгаришлари преэклампсиянинг оғирлик даражаси, цитокинлар мувозанатининг бузилиши ҳамда клиник кечиши билан боғлиқлиги исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш преэклампсия билан касалланган аёлларда асоратлар ва перинатал йўқотишларни камайтирган, она ва бола саломатлигини яхшилаб, соғлом бола туғилиши кўрсаткичини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларни эрта ташхислаш ҳамда ўз вақтида профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳар бир бемор учун қўшимча равишда 604 000 сўм иқтисод қилиб, бир пайтнинг ўзида ҳомила йўқотиш ҳамда перинатал ўлим хавфини пасайтирган. *Хулоса:* ўрта оғирликдаги преэклампсия даражаси учун сурункали артериал гипертензия, сурункали пиелонефрит, биринчи ҳомиладорлик; оғир преэклампсия шакли учун анамнезда преэклампсия, метаболик бузилишлар, юрак-қон томир касалликлари асосий хавф омиллари эканлиги асосланган.

Учинчи илмий янгилик: турли оғирлик даражасида кечувчи преэклампсияда ангиоген омил — sFlt-1 ва проангиоген омил — PlGF ўртасидаги нисбатнинг (sFlt-1/PlGF) ишончли даражада ошиши йўлдошнинг морфологик архитектоникасида деструктив ўзгаришлар шаклланиш хавфини белгиловчи муҳим патогенетик индикатор эканлиги асосланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш преэклампсия билан касалланган аёлларда асоратлар ва перинатал йўқотишларни камайтирган, она ва бола саломатлигини яхшилаб, соғлом бола туғилиши кўрсаткичини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* турли оғирлик даражасидаги преэклампсия билан касалланган аёлларни эрта ташхислаш ҳамда ўз вақтида профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳар бир бемор учун қўшимча равишда 604 000 сўм иқтисод қилиб, бир пайтнинг ўзида ҳомила йўқотиш ҳамда перинатал ўлим хавфини пасайтирган. *Хулоса:* яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IL-8, IL-4, IL-10) даражалари плацентанинг морфологик турлари билан қиёсий ўрганилган.

Тўртинчи илмий янгилик: илк бор иммунологик (яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар) ва ангиоген дисбаланси (sFlt-1/PlGF) биргаликда баҳолаш каби интеграл ёндашув преэклампсияда йўлдошнинг деструктив тури шаклланишини клиник белгилар намоён бўлмасдан олдин прогноз қилиш имконини бериши асосланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш преэклампсия билан касалланган аёлларда асоратлар ва перинатал йўқотишларни камайтирган, она ва бола саломатлигини яхшилаб, соғлом бола туғилиши кўрсаткичини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* турли оғирлик даражасидаги

преэклампсия билан касалланган аёлларни эрта ташхислаш ҳамда ўз вақтида профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳар бир бемор учун қўшимча равишда 604 000 сўм иқтисод қилиб, бир пайтнинг ўзида ҳомила йўқотиш ҳамда перинатал ўлим хавфини пасайтирган. *Хулоса:* турли оғирлик даражасидаги преэклампсияда sFlt-1/PlGF нисбатининг ошиши плацентанинг деструктив тури шаклланиш хавфи билан боғлиқлиги асосланган ҳамда перинатал диагностика ва туғишга тайёргарлик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, мавзу бўйича чоп этилган илмий ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Преэклампсия ривожланишининг патогенетик механизмлари ҳақида замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотларига кўра, преэклампсия билан оғриган аёлларда плацентар дисфункциясининг тушунчалари, сабаблари ва хавф омиллари, турли оғирлик даражаларининг ривожланишида маълум рол ўйнайдиган хужайравий ва гуморал иммунитет, шунингдек, яллиғланишга ҳос ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг роли ҳақидаги замонавий ғоялар ёритилган. Преэклампсия билан оғриган ҳомиладор аёлларда плацента етишмовчилгини диагностика қилиш имкониятлари ва преэклампсия билан оғриган аёлларда плацентар дисфункция ривожланиш механизмлари келтирилган. Шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари асосланган

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2021-2024 йиллар давомида Сирдарё вилояти Перинатал маркази клиникасида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот материаллари сифатида ҳомиладорликнинг 28-38 ҳафталарида турли даражадаги

преэклампсия ташхиси қўйилган аёллар ҳамда шу даврда физиологик ҳомиладорлик кечган назорат гуруҳида 30 нафар аёллар ташкил топган.

Сирдарё вилоятида истиқомат қилувчи 120 та ҳомиладор аёл ва уларнинг янги туғилган чақалоқлари текширилган. Текширилган аёллар преэклампсиянинг оғирлик даражасига кўра 2 та гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳга доплерометрия маълумотларига кўра ўрта даражали преэклампсияга эга бўлган 75 та аёл ва 2-гуруҳга оғир даражали преэклампсияга эга бўлган 45 та аёл киритилган.

Тадқиқотга преэклампсия белгилари (артериал гипертензия, протеинурия билан кечиши) мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар киритилган. Тадқиқотдан чиқариш мезонларига оғир экстрагенитал ва акушер патологиясига эга бўлган ҳомиладор аёллар ва уларнинг чақалоқлари ташкил қилган.

Иммунологик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти Репродукция иммунологияси лабораториясида амалга оширилган. Қон зардобиди яллиғланишга ҳос ва яллиғланишга қарши цитокинлар: (IL-1 β , IL-6, IL-8, IL-4, IL-10), шунингдек, ангиогенез ва антиангиогенезнинг асосий маркерлари: VEGF-A, PlGF, sFlt-1 ва уларнинг нисбати (sFlt-1/PlGF) асосланган. Барча таҳлиллар иммунофермент таҳлил (ИФА) усули ёрдамида бажарилган. Текширувларда «Вектор-Бест» (Новосибирск, РФ) ва «Цитокин» (Санкт-Петербург, РФ) компанияларининг сертификатланган тест-тизимлари қўлланган.

Олинган натижаларга Excel амалий дастурлар ёрдамида статистик ишлов берилган. Танланмалар тақсимотининг тўғрилигини олдиндан баҳолашдан сўнг параметрик вариантларни таққослаш хатолар эҳтимолини (r) ҳисоблаш билан Студент (t) мезони асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **«ПЭ бўлган ҳомиладор аёлларнинг клиник-анамнестик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида ҳомиладор аёлларнинг клиник-инструментал ва лаборатор тадқиқотлари маълумотлари келтирилган.

Сирдарё вилоятида ПЭ ривожланган ҳомиладор аёлларнинг касаллик тарихи бўйича ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилда вилоятда 20988 та туғруқ бўлиб ўтган, шулардан 5005 та аёл перинатал марказда туғилганлиги асосланган. 2021 йилда вилоятда 23092 та туғруқ бўлиб ўтган, шулардан 6393 та аёл перинатал марказда туғган. 2022 йилда вилоятда 23171 та аёл туғган, шулардан 6202 та аёл перинатал марказда туғган.

Сирдарё вилояти ПМда даволанган 1277 та ҳомиладор аёл орасида 18-24 ёшдаги аёллар 6% ни, 25-29 ёшдагиси 10% ни, 30-35 ёшдагиси 25% ни ташкил қилган, шу билан бирга 36 ёшдан катта бўлган беморлар 59% ни ташкил қилган. Ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $31 \pm 6,9$ ни ташкил қилган.

Туғруқ паритетини ўрганиш шуни кўрсатдики, тадқиқ қилинган ҳомиладор аёллар орасида илк ҳомиладор бўлганлар ва илк бора туғганлар 18,6% ни, қайта ҳомиладор бўлганлар ва илк бора туғганлар 23,8% ни, қайта туғганлар 39,4% ни ташкил қилган, шунингдек, 3 ва ундан ортиқ туғруқга эга бўлган аёллар 18,2% ни ташкил қилган.

Болалар инфекцияларини ўтказганлик таҳлили шуни кўрсатдики, аёллар орасида энг кўп учрайдиган касалликлар ОРИ (34%) ва вирусли гепатит (12%)

бўлган. Сийдик йўллари инфекцияси 17,1% ҳомиладорларда кузатилган, ошқозон–ичак тракти (ОИТ) касалликлари эса 7% ҳомиладорларда асосланган. Соматик касалликлар орасида энг кўп учрайдиганлари темир танқислиги анемияси (ТТА) (46,8%) ва сийдик йўллари инфекцияси (26,5%) бўлган. Шунингдек, аёлларда ОИТ касалликлари (12,2%) ва вирусли гепатит (7,8%) қайд этилган. 1277 та ҳомиладор аёл орасида фақат 17 та аёлда юрак нуқсонлари мавжуд бўлиб, бу ўртача 1,3% ни ташкил этган.

Гинекологик анамнезни ўрганиш шуни кўрсатдики, беморларимиз орасида энг кўп учрайдиган касалликлар вульвовагинит ва бачадон бўйни эктопияси бўлган. 7% ҳомиладор аёлларда бачадон миомаси мавжудлиги қайд этилган.

Туғруқ 17% аёлларда муддатидан олдин якунланган. 9% аёлларда туғруқ нормал жойлашган плацентанинг муддатидан олдин ажралиши (ПМОА) билан асоратланган ва 8% аёлларда туғруқ жараёнида туғруқ фаолиятининг аномалияси кузатилган.

Преэклампсия бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг 83% дан ортиғида гестациянинг 27-30 ҳафталарида доплерометрия ўтказиш пайтида плацента дисфункцияси асосланган. Улардан 67% да оғир даражадаги преэклампсия ва 33% да ўртача даражадаги преэклампсия асосланган. 9% да ПМОА ривожланган. 35% ҳомиладорларда туғруқ 28-33 ҳафталарида якунланган, 22% да эса ҳомиладорликнинг 34 ҳафтасидан кейин якунланган. ПЭ билан бўлган ҳомиладор аёллардан туғилган чақалоқлар 23% ҳолларда педиатрлар томонидан Апгар шкаласи бўйича 6-7 баллга баҳоланган, қолган ҳолларда эса ПД туфайли ҳомиланинг кўк ёки оқ асфиксияси қайд этилган.

Преэклампсия ривожланган ҳомиладор аёлларда III-триместрда ҳомиладорликнинг кечиши бўйича клиник-статистик таҳлил шуни кўрсатдики, 28-38 ҳафталик гестация муддатида турли даражадаги преэклампсия бўлган 120 та бемор аёллар орасида 75 та ҳомиладорда ўртача даражадаги преэклампсия (АД 140/90, протеинурия > 0.3 дан 1.0 ммоль/л гача) асосланган ва улар биринчи гуруҳни ташкил этган. 45 та беморда оғир даражадаги преэклампсия (АД $> 160/110$, протеинурия $> 1,0$ ммоль/л) бўлган ва улар иккинчи гуруҳни ташкил қилган. Назорат гуруҳини физиологик ҳомиладорлик билан соматик жиҳатдан соғлом бўлган 30 та аёл ташкил қилган. ПЭ бўлган беморларнинг ўртача $26,2 \pm 4,3$ ёш, физиологик ҳомиладорлик бўлган аёллар гуруҳида эса $25,8 \pm 4,7$ ёшни ташкил қилган.

Анамнез маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилган беморлар орасида биринчи марта ҳомиладор бўлганлар 34 та (39,1%) ва қайта ҳомиладор бўлганлар 53та (60,1%) ни ташкил этган. Шуни таъкидлаш керакки, ПЭ бўлган аёлларда жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 5-6 марта кўпроқ учраган, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган (56%, 52%, 58% га нисбатан 20%) ($p < 0,01$).

Бачадон бўйни хосилалари анамнезда ПЭ билан асоратланган аёлларда кўпроқ учраган (56,0%), ўрта даражадаги ПЭ билан бўлган аёлларда эса бу кўрсаткич 52% ни ташкил қилган. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик 1-гуруҳ аёлларидан 2та (4%) ва 2-гуруҳ ҳомиладорларидан 5 таси (10%) да

асосланган. Назорат гуруҳида бепуштлики анамнези бўлган аёллар 3та (6%) ни ташкил этган, 1- ва 2-гуруҳ ҳомиладорларида эса бу кўрсаткич 16% ни ташкил қилган ($p<0,05$).

Соматик касалликлар турли ҳомиладорлик асоратлари, жумладан, преэклампсия (ПЭ) ривожланиши учун жиддий хавф омили ва ноқулай фон ҳисобланади. Шунингдек, 1-назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда анемия 20 та (66,7%) аёлда кузатилган, ПЭ ривожланган ҳомиладорларда эса I ва II-триместрларда анемия мос равишда 58 та (77,3%) ва 40 та (88,9%) аёлда асосланган. Қалқонсимон без касалликлари ҳам ПЭ билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг 78% да, ПЭнинг ўртача даражадаги гуруҳидаги 46 та (61,3%) ҳомиладорда ва назорат гуруҳидаги 9 та (30,0%) ҳомиладорда учраган.

Сийдик чиқариш йўллари тизими касалликлари ПЭ бўлган ҳомиладор аёлларнинг деярли ҳар иккинчисида анамнезда қайд этилган ва назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан кўпроқ учраган, мос равишда 28 та (37,3%), 21 та (46,7%) ва 2 та (6,7%) ҳолларда. Умумий қон таҳлили текширувлари ПЭ ривожланган ҳомиладорларда гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сонининг статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада камайганини ва ўртача даражадаги ПЭ бўлган аёлларда ранг кўрсаткичининг камайиш тенденциясини кўрсатди. Бундай ўзгаришлар ушбу контингентдаги беморларда темир танқислиги анемиясининг (ТТА) янада ривожланишини кўрсатди. Айниқса, 2-гуруҳ ҳомиладорларида яққол ўзгаришлар кузатилган.

III-триместрда ПЭ ривожланган ҳомиладор аёлларда цитокин ҳолати ва ўсиш омилларини баҳолаш диагностика учун муҳим маркер ҳисобланади, чунки яллиғланишга хос цитокинлар қон томир эндотелий ҳужайраларига кучли зарар етказди, эндотелий дисфункцияси ва сурункали яллиғланишни шаклланишига олиб келади. Шунингдек, ангиогенез плацента дисфункциядаги яллиғланиш жараёнининг муҳим хусусияти бўлиб, у преэклампсияга олиб келиши мумкин.

ПЭ билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий касалликдан ташқари, ушбу коҳорта ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда ҳам сезиларли даражада кўпроқ акушерлик асоратларига дуч келган. 1-жадвалда кўрсатилганидек, ПЭ нинг энг кенг тарқалган акушерлик асорати муддатидан олдин туғруқ хавфи ва пардаларнинг туғруқдан олдин ёрилиши эди. Масалан, ўртача ПЭ билан оғриган аёлларда муддатидан олдин туғруқ хавфи 18,7% ни ташкил этган бўлса, оғир ПЭ билан оғриган аёлларда бу икки баравар кўп учрайди ва 48,9% га етди. Оғирроқ ПЭ туғруқдан олдин пардаларнинг ёрилиши ҳолатларининг кўпайиши билан бирга келди (мос равишда 20,0% ва 42,2%). Оғир ПЭ нинг деярли ҳар иккинчи ҳолати оператив туғруққа олиб келди. Ўртача ПЭ га келсак, бу гуруҳда сезарен кесиш даражаси назорат гуруҳига қараганда икки баравар юқори бўлиб, мос равишда 13,3% ва 6,7% га етди. Муддатидан олдин туғруқ ҳозирда оғир ПЭ ни даволашнинг ягона усули бўлганлиги сабабли, биз ушбу ҳолат учун туғруқ вақтини таҳлил қилдик. Ўртача ва оғир ПЭ билан касалланган 120 аёлдан 7 нафари оғир ПЭ билан ва 3 нафари ўртача ПЭ билан касалланган аёллар 34 ҳафтадан олдин туғилган. Шуни таъкидлаш керакки,

оғир РЕ гуруҳида оғир ПЭ муддатидан олдин туғилишнинг белгиси бўлса-да, ўртача РЕ гуруҳида 34 ҳафтадан олдин муддатидан олдин туғилиш ўз-ўзидан содир бўлган. Оғир ПЭ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг аксарияти 35 ва 37 ҳафта оралиғида (66,7%), ўртача ПЭ гуруҳидагилар эса 38 ва 41 ҳафта оралиғида (74,7%) туғилган. ПЭ ва муддатидан олдин туғилиш хавфи юқори бўлганлиги сабабли муддатидан олдин туғилишнинг юқори даражаси муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг туғилишига олиб келади, бу эса перинатал касаллик ва ўлимга салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ПЭ нинг оғирлиги муддатидан олдин туғилиш хавфининг ортиши (30,0%), мембраналарнинг муддатидан олдин ёрилиши (33,3%), туғрукнинг қониқарсиз ривожланиши (22,5%) ва оператив туғилишнинг ортиши (27,5%) билан боғлиқ. ПЭ қанчалик оғир бўлса, муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг туғилиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Тадқиқотларимизнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган. 1-гуруҳ ўртача даражадаги преэклампсия бўлган аёллардан, 2-гуруҳ эса оғир шакли билан бўлган аёллардан иборат бўлган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, соғлом ҳомиладорликда IL-1 β даражаси беморларнинг маълумотларига нисбатан ишончли даражада паст бўлган (1-жадвал).

1-жадвал.

Перекламция билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик ва туғрук натижалари, абс/%

| Акушерлик патология | Назорат гуруҳи, n=30 | Ўртача ПЭ, n=75 | Оғир ПЭ, n=45 |
|-----------------------------------------|----------------------|-----------------|---------------|
| Муддатидан олдинги туғруқ хавфи | - | 14/18,7 | 22/48,9 |
| Сувларнинг туғишдан олдинги оқиб кетиши | 7/23,3 | 15/20,0 | 20/42,2 |
| Туғрукнинг қониқарсиз кечиши | - | 16/21,3 | 11/24,4 |
| Оператив туғруқ | 2/6,7 | 10/13,3 | 21/46,7 |
| Туғруқдан кейинги қон кетиши | - | 2/2,7 | 5/11,1 |

Ўртача даражадаги преэклампсия (1-гуруҳ) бўлган аёлларда IL-1 β даражаси назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан ишончли даражада юқори бўлган ($P<0,05$), ва оғир даражадаги преэклампсия (2-гуруҳ) бўлган аёлларда IL-1 β даражасининг янада юқори кўтарилиши кузатилган ($P<0,01$).

Ўртача даражадаги преэклампсия бўлган ҳолларда IL-6 даражаси ишончли ошган ($P<0,05$). IL-6нинг энг юқори қиймати преэклампсиянинг оғир бўлган ҳомиладорларда кузатилган ($P<0,01$).

VEGF A асосий проангиоген омил сифатида қон томир тонусини сақлаш ва плацента қон томирларининг ривожланишида марказий роль ўйнайди. Назорат гуруҳида VEGF A даражаси $120,7\pm 86$ пг/мл ни ташкил қилган. Ўрта даражадаги преэклампсия бўлган ҳомиладорларда (биринчи гуруҳ) VEGF A даражаси деярли 1,5 марта камайган ва $89,8\pm 5,3$ пг/мл ни ташкил қилган, бу ангиогенезнинг бошланғич бузилишларини кўрсатди. Оғир даражадаги

преэклампсия бўлган гуруҳда VEGF A даражаси янада камайган деярли 1,6 марта ва $73,7 \pm 4,8$ пг/мл ни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилган аёлларда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражалари

| Цитокинлар, пг/мл | Назорат гуруҳи, n=30 | 1-гуруҳ, n=75 | 2-гуруҳ, n=45 |
|----------------------|-------------------------|---------------------|-----------------------------|
| IL -1 β | $163,53 \pm 8,13$ | $171,64 \pm 5,61^*$ | $263,38 \pm 7,56^{*\wedge}$ |
| IL -6 | $53,35 \pm 2,03$ | $71,19 \pm 3,15^*$ | $83,26 \pm 3,37^*$ |
| IL -8 | $21,92 \pm 1,24$ | $27,16 \pm 1,24^*$ | $32,47 \pm 1,58^*$ |
| IL 4 | $147,6 \pm 10,13$ | $125,3 \pm 9,12^*$ | $102,1 \pm 8,93^*$ |
| IL -10 | $39,8 \pm 1,95$ | $29,6 \pm 1,64^*$ | $21,7 \pm 1,21^*$ |

Изоҳ: *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончлидир \wedge Қийматлар 1-гуруҳга нисбатан ишончлидир ($p < 0,05 - 0,001$)

PlGF, плацента ўсиш омиллари, ангиогенезга ёрдам беради ва преэклампсия бўлган ҳомиладорларда сезиларли даражада камайган. Биринчи гуруҳда (ўрта преэклампсия билан) эса у 3,7 марта камайган. Иккинчи гуруҳда (оғир преэклампсия билан) PlGF даражаси деярли 5,8 марта камайган.

sFlt-1 – антиангиоген омил бўлиб, VEGF A ва PlGF билан боғланиб, уларнинг рецепторлар билан ўзаро таъсирини олдини олади. Ўрта даражадаги преэклампсия бўлган ҳомиладорларда (биринчи гуруҳ) sFlt-1 даражаси деярли 1,4 марта камайиб Аммо оғир даражадаги преэклампсия бўлган иккинчи гуруҳда sFlt-1 даражаси назорат гуруҳига нисбатан деярли 30% га ошган. Бу sFlt-1нинг ошиши VEGF A ва PlGFнинг кучли блоклянишига олиб келади, бу эса қон томир бузилишларини кучайтиради.

sFlt-1/PlGF нисбати антиангиоген ва проангиоген омиллар ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи муҳим маркердир. Ўрта даражадаги преэклампсия билан бўлган ҳомиладорлар (биринчи гуруҳ) да sFlt-1/PlGF нисбати 2,6 марта ошган. Оғир преэклампсия бўлган иккинчи гуруҳда бу нисбат 5 мартадан кўпроқ ошган. sFlt-1/PlGF нисбатининг сезиларли ошиши антиангиоген омилларнинг кучли устунлигини акс эттиради ва оғир преэклампсиянинг предиктори ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал.

28-38 ҳафталик гестация муддатидаги ҳомиладор аёлларда проангиоген ва антиангиоген омиллар кўрсаткичлари, пг/мл

| Кўрсаткичлар | Назорат гуруҳи n=30 | Преэклампсия булган ҳомиладорлар | |
|--------------|------------------------|-------------------------------------|-----------------------------|
| | | 1-гуруҳ, n=75 | 2-гуруҳ, n=45 |
| VEGF A | $120,7 \pm 8,6$ | $89,8 \pm 5,3^*$ | $73,7 \pm 4,8^{*\wedge}$ |
| PlGF | $291,3 \pm 11,3$ | $78,6 \pm 6,2^*$ | $50,5 \pm 5,4^{*\wedge}$ |
| sFlt-1 | $2471,9 \pm 17,8$ | $1795,8 \pm 12,6^*$ | $3224,3 \pm 18,2^{*\wedge}$ |
| sFlt-1/ PlGF | $8,7 \pm 1,2$ | $22,8 \pm 2,6^*$ | $44,5 \pm 3,9^{*\wedge}$ |

Изоҳ: *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончлидир \wedge Қийматлар 1-гуруҳига нисбатан ишончлидир ($p < 0,05 - 0,001$)

Диссертациянинг «Плацента турига қараб янги туғилган чақалоқларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида плацента тўқимасининг морфологик хусусиятлари натижалари, плацента морфологик турига қараб янги туғилган чақалоқларнинг клиник хусусиятлари ва плацента морфологик турига қараб янги туғилган чақалоқларда киндик қонидаги ҳужайравий ва гуморал иммун тизими омиллари ўрганилган маълумотлари келтирилган

Прееклампсия бўлган аёлларда плацентанинг морфологик текширувлари унинг тузилиши ва функцияларида сезиларли ўзгаришларни асосланган. Ўртача даражадаги прееклампсия билан бўлган 75 та аёлда нормал плацента тури 53,3% ҳолларда, компенсатор тури 28% ҳолларда ва деструктив тури 18,7% ҳолларда қайд этилган. Оғир даражадаги прееклампсия билан бўлган 45 та аёлда нормал плацента 11,1% ҳолларда, компенсатор тури 31,1% ҳолларда ва деструктив тури 57,8% ҳолларда кузатилган.

Ворсин стромасидаги патологик жараён фибриннинг кўпайиши, тромбоз ва некроз билан намоён бўлиб, ворсинларнинг ёпишиши ва қон айланишининг бузилишига олиб келган. Прееклампсия бўлган аёлларда айрим ҳолларда ворсинларнинг псевдоинфарктлари асосланган, бу қон томирларда қон айланишининг тўхташи билан боғлиқ. Анемия ва қалқонсимон без функциясининг бузилиши каби ҳамроҳ экстрагенитал касалликлар ҳомиладорликнинг кечишини оғирлаштирган ва плацента дисфункцияси ривожланишига сабаб бўлган.

Прееклампсия бўлган 120 та аёлда янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатганки, туғилгандан кейинги биринчи дақиқада енгил асфиксия (6 - 7 балл) билан 58 та (48,3%) бола туғилган, ўртача даражадаги асфиксия (4 - 5 балл) 59 та (49,2%) чақалоқларда қайд этилган, 3 та (2,5%) янги туғилган чақалоқ оғир асфиксия (1 - 3 балл) билан туғилган. Назорат гуруҳида Апгар шкаласи бўйича 8 - 9 балл билан 20 та (55%) чақалоқ туғилган, 6 - 7 балл билан 7 та (32,5%) чақалоқ ва 4 - 5 балл билан 3та (12,5%) чақалоқ туғилган.

Бешинчи дақиқада асосий гуруҳдаги чақалоқлар Апгар шкаласи бўйича 8-9 балл олган 21 та (17,5%) чақалоқ туғилган, назорат гуруҳида эса 22 та (80%) чақалоқ. 6-7 балл олганлар асосий гуруҳда 92 та (76,7%) чақалоқ, назорат гуруҳида эса 8 та (20%) чақалоқ. 4-5 балл олганлар асосий гуруҳда 7 та (5,8%) чақалоқ (назорат гуруҳида қайд этилмаган) туғилган. Тадқиқот гуруҳида 54 та (45%) ўғил бола ва 66 та (55%) қиз бола туғилган; назорат гуруҳида эса 18 та (45%) ва 22 та (55%) мос равишда чақалоқлар туғилган. Янги туғилган чақалоқларнинг ўртача вазни ва вазн-ўсиш коэффиценти таққослаш гуруҳларида сезиларли фарқларга эга бўлмаган. Прееклампсия бўлган аёллар гуруҳида янги туғилган чақалоқларнинг биринчи кунлардаги ҳолати 54 та (45%) чақалоқларда қониқарли бўлган, бу назорат гуруҳидаги 25 та (83,3%) чақалоқларга нисбатан сезиларли даражада паст; $p<0,05$. Асосий гуруҳдаги чақалоқларнинг 47 та (39,2%) ва 19 та (15,8%) ўртача оғир ва оғир ҳолатда бўлган, бу назорат гуруҳидаги 10 та (25%) ва 5 та (12,5%) чақалоқларга нисбатан сезиларли даражада юқори; $p<0,05$.

Асосий гуруҳда 44 та ($36,7 \pm 4,2\%$) янги туғилган чақалоқларда муддатидан ошганлик белгилари бўлган, назорат гуруҳида эса 5 та ($16,7 \pm 2,3\%$) ($P < 0,01$). Бош мия тузилмаларининг ультратовуш текшируви асосий гуруҳдаги 48 та ($40,0 \pm 3,4\%$) чақалоқларда гипоксик марказий нерв тизими шикастланишини асосланган, бу назорат гуруҳидаги 7 та ($23,3 \pm 5,4\%$) чақалоқларга нисбатан юқори бўлган.

Плаценталарнинг морфологик текширувида асосий гуруҳда плацента фақат 10 таси ($8,3\%$) да нормал гистологик тузилишга эга бўлган, 42 та ($35,0\%$) ҳолларда компенсатор ўзгаришлар ва 68 та ($56,7\%$) ҳолларда деструктив ўзгаришлар асосланган; назорат гуруҳида мос равишда 21 та ($52,5\%$), 13 та ($32,5\%$), 7 та ($17,5\%$).

Плацентанинг морфо-функционал ҳолати янги туғилган чақалоқ учун ҳомиладорлик натижасини кўп жиҳатдан белгилайдиган омил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз турли морфологик турдаги плаценталарда чақалоқларнинг соғлиғи ва иммунитет ҳолатини таҳлил қилдик. Биринчи гуруҳга нормал гистологик тузилишга эга плацентаси бўлган 30 та аёл ва уларнинг янги туғилган чақалоқлари кирган. Улар назорат гуруҳини ташкил қилган.

Иккинчи гуруҳ компенсатор турдаги плацентаси бўлган 50 та аёл ва уларнинг янги туғилган чақалоқларидан иборат бўлган. Учинчи гуруҳга деструктив турдаги плацентаси бўлган 70 та аёл ва уларнинг янги туғилган чақалоқлари кирган.

Компенсатор турдаги плацента бўлган янги туғилган чақалоқларда ўртача ва ўрта даражадаги асфиксия $94,4 \pm 5,2\%$ ҳолларда кузатилган, нормал плацента бўлган гуруҳда эса $77,7 \pm 5,8\%$ ҳолларда. Наслий белгилари компенсатор ўзгаришлар бўлган гуруҳда $33,9\%$ янги туғилган чақалоқларда ва нормал плацента бўлган гуруҳда $3,3\%$ ҳолларда кузатилган. Компенсатор турдаги плацента бўлган болаларнинг $19,6\%$ да бош миянинг гипоксик шикастланиши асосланган, нормал турда эса бундай ҳолатлар қайд этилмаган.

Деструктив турдаги плацента бўлган янги туғилган чақалоқларнинг ўртача вазни $3598,0 \pm 82,48$ г ни ташкил қилган, бу нормал турдаги плацента бўлган чақалоқлардан ишончли даражада юқори ($3253,3 \pm 143,6$ г, $P < 0,05$). Вазн-ўсиш коэффициенти ҳам фарқ қилган ($66,59 \pm 1,03$ ва $62,44 \pm 1,78$; $p < 0,05$). Деструктив ўзгаришлар бўлган янги туғилган чақалоқларнинг 3500 г дан ортиқ тана вазнига эга бўлган улуши $52,3 \pm 6,1\%$ ни ташкил қилган, бу нормал плацента бўлган чақалоқларга нисбатан сезиларли даражада юқори ($11,1 \pm 1,4\%$, $p < 0,01$). Апгар шкаласи бўйича биринчи дақиқадаги ўртача баҳолаш $6,00 \pm 0,1$ баллни ташкил қилган, бу нормал плацента бўлган гуруҳдан фарқ қилмаган ($6,66 \pm 0,4$ балл, $p > 0,05$).

Деструктив турдаги плацента бўлган янги туғилган чақалоқларнинг $46,15 \pm 6,1\%$ қоникарли ҳолатда туғилган, ўртача оғир ҳолатда $43,07 \pm 5,4\%$ ва оғир ҳолатда $10,76 \pm 3,8\%$ бўлган, нормал турдаги плацента бўлган чақалоқларда эса бундай ҳолатлар қайд этилмаган. Апгар шкаласи бўйича бешинчи дақиқадаги баҳолаш деструктив турдаги плацента бўлган гуруҳда

